

# ИШОНЧ

48



Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

Хабарлар мағзи



● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг Фармониға мувофиқ 1993 йил 1 декабридан иш ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,5 баробар оширилди.

● **РЕСПУБЛИКА** Вазирлар Маҳкамаси «Республикада истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ва пул муомиласини мустаҳкамлаш борасидаги қўшимча чоралар тўғрисида» қарор қабул қилди.

● **МАМЛАКАТИМИЗ** Президентининг Фармониға биноан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ходимларидан бир гуруҳи «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» унвониға ва Ўзбекистон Республикасининг фахрий ёрлиғиға сазовор бўлдилар.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов расмий-амалий ташрифлар билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиғида бўлди. Сафар чоғида ўзаро ҳамкорликка доир бир қанча ҳужжатлар имзоланди.

## МУҲИМ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН

Мустақил давлатимизнинг эртанги куни, жонажон ҳалқимизнинг фаровон турмуши учун курашмоқ ҳар бир аҳли юртнинг муқаддас бурчидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов ижодий фаолиятиға мансуб «Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари», «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик», «Халқимизнинг оташ-талб фарзанди» номли китобларининг тасвир мазмуни ана шу юксак мақсадлар ғояси билан суғорилган. Ҳар бир китоб юртимиз равнақи, иқтисодиётимиз ривожини, фаровонлик йўлида олиб борилаётган ишлар учун бош дастурлик хизматини ўтаётганиға шубҳа йўқ. Куни кеча Ўзбекистон Давлат божхона Қўмитасида ўтказилган илмий-амалий анжуман ҳам худди шу муҳим масалаға бағишланди. Анжуманда маърузаға чиққан нотиқларнинг ҳар қайсиси мазкур асарларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти, мамлакат божхона хизмати идоралари олдиға қўйилаётган вазифаларни белгилашда муҳим таълимот эканлиғиға алоҳида урғу бериб сўзладилар. Китобларни синчиклаб ўқиган кишини муқаддас Ватан, азиз халқимизнинг яқин йиллар ичи ҳеч шубҳасиз эришадиган бахт-саодати, ёруғ истиқболлини кўриб тургандай тасаввурлар чулғаб олишини шавқ-завқ билан таъкидладилар.



Бажараётган ишидан кўнгли тўлган кишининг меҳнати унумли бўлади,— дейди Тошкент чинни заводининг 2-цеҳи бошланғич қасаба уюшмаси кўмитаси раиси Ҳусан Раупов (чапдан биринчи) кўмита аъзолари Ҳусан Қамолов, Шарофат Зокирова, Саидодил Ботирхоновларға.— Шунинг учун барча имкониятларни ишға солиш, вақтида дам олишни уюштириш— меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоялаш бурчимиз.

Даврон АҲМАД олган сурат.

«Ишонч»нинг махсус муҳбири.



## БУРЧГА СОДИҚЛИК

Яқинда Ўзбекистон машинасозлик саноати ходимлари қасаба уюшмаси шаклланди. Бу уюшманинг бўлиб ўтган тасис курултойида унинг Низомини қабул қилинди. Марказий Қўмита, тафтиш комиссияси, раҳбарияти сайланди.

Муҳбиримиз Т. Алимов Марказий Қўмита аъзоси, Фарғона механика заводи йиғув цеҳи қасаба уюшмаси кўмитаси раиси Тожибой Исломов билан суҳбатда бўлди.

— Машинасозлик саноати,— деди Т. Исломов,— Ўзбекистонда етакчи тармоқ ҳисобланади. Бу қасбадаги меҳнатқашларнинг уюшмаси ажойиб кунларда Республикаимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиғи арафасида ташкил топди. Қабул қилинган Низомда қасаба уюшмаси аъзоларининг мақсад

ва вазифалари, ҳуқуқ ва бурчлари ўз аксини топганлиғи билан кадрлидир. Биз бу ҳаётини ҳужжат қондалари асосида ишимизни янада такомиллаштирамиз.

Заводимизда 5 мингдан ортиқ киши ишлайди. Биз Тошкентдаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси буюртмаси билан самолётлар учун деталлар ишлаб чиқарамиз. Бир товукка ҳам дон керак, ҳам сув, деганларидек, 5 минг кишининг ҳар бирининг ўзига хос ташвиши бор албатта. Уларнинг унумли меҳнат қилиши учун етарли шарт-шароит яратиш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ҳимояси соҳасида маъмурият билан қасаба уюшмалари кўмитаси оламжаҳон ишларни амалға оширмоқдалар. Жумладан бизнинг йиғув цеҳимизда 200 га яқин киши ишлайди. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 200 минг сўми ташкил этади. Ишчиларнинг малакасини ошириш, меҳнатини муҳофаза қилиш, ишчи ўринларини қулайлигини таъминлаш, жамоанинг кўнглили дам олишини уюштириш, меҳнат фахрийларини кадрлаш каби масалалар кўмитамиз томонидан оқилона ҳал этилмоқда. Ҳозирда меҳнат фахрийларига, кўп болали оилаларға ҳар ойда 5 минг сўмдан корхона нафақаси бериб борилмоқда. Улар байрамларда совға-саломлар, беғул озик-овкатлар билан таъминланадилар. Мана, байрам яқинлашапти. Бош Қомус қабул қилинган кунда жамоамиз учун беғул ош тортилади. Маданий-маърифий тадбирлар амалға оширилади. Цеҳимиз жамоаси байрамни муносиб ютуқлар билан кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Кўмитамиз Бош Қомуснинг 59-моддасида таъкидланганидек, ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш сингари олий бурчға содиқ холда иш кўраверади.

## Обуна-94

### «ИШОНЧ» КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ ИШОНЧИНГИЗНИ ОҚЛАЙДИ

Ф. СП-1

Алоқа вазирлиғи «Матбуот уюшмаси»

«ИШОНЧ» (нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

газетасиға ОБУНА

обуна соми

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерға (почта кўрсаткичи) (мавил)

Қимға (Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

---

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи (нашр кўрсаткичи)

«ИШОНЧ» (нашр номи)

обуна	бахоси	обуна соми
янгил маълумотлар юбориш	бахоси	сўм

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерға (почта кўрсаткичи) (мавил)

Қимға (Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

БУГУНГИ кунда бутун халқ республика раҳбариятидан халқаро тажриба асосида истиклол Қонуни — Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўз вақтида қабул қилганлигидан миннатдорлигини изҳор этмоқда. Конституцияни яратиш устида тахминан икки йил катта самарали иш олиб борилди. Икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтди, халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилди, сайқал топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда илгари қабул қилинган Конституциялардан тубдан фарқли ўларок

давлатда Конституция ва қонунларнинг устуңлиги барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлишига қатъий риоя этилишидир.

Республикамиз Конституцияси инсон ҳуқуқлари ҳоҳишига сadoкaт снгарн олпжаноб максaднн кўзлаган. Инсоннинг яшаш ҳуқуқи ҳар бир кишининг узвий ҳуқуқидир. Республикамиз Конституциясига мувофиқ ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик, ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовулардан, шахсий ҳаётига аралашшдан ҳимояланиш ва турар жойи

ларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш шаклида амалга оширилади.

Конституцияда инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари унинг манфаатларини янгирақ ҳисобга олиш билан таърифлаб берилган. Бу — ҳар бир шахс мулкдор бўлиш ҳуқуқига, банкка қўйилган омонатлари сир тутилиши ва мерос қолдириш ҳуқуқи. Бу — ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroнларнда ишлаш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи. Бу — ҳақ тўланадиган меҳнат таътили, қариганда, меҳнат таёқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи. Бу — тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш, илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи. Конституция барча Ўзбекистон давлати фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб, суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлашди.

Конституциямиз демократизм руҳи билан сўғорилган бўлиб бу жамият ва шахс ўртасидаги муносабатда ҳамжихатлик, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилганлик, барча шакллардаги мулк тенглигини таъминлаш, иқтисодий ва марказлаштирмаслик, монополиялаштирмаслик, шунингдек ҳўжаик фаолиятига давлат томонидан монополик аралашувга йўл қўймаслик тадбирларини кўришдир. Конституция иқтисодий фаолият кўрсатиш эркинлигини таъминлайди, тадбиркорлик ташаббуси ва эркин бозор муносабатлари учун кенг йўл очиб беради.

Конституциянинг ўз вақтида қабул қилинганлиги сиёсий барқарорлик, миллий тотувлик ва тинчлик кафолати бўлди. У Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти бўлиш ва унинг миллий ҳамда халқаро манфаатларига мувофиқ ташкил сўбат ўтказиш ҳуқуқини мустаҳкамлади.

Элбек КАРИМОВ.

«Ишонч»нинг сиёсий шарҳловчиси.

## БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ ТАДБИРЛАРИ

НАМАНГАН вилоятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги байрами бошланиб кетди. Жойларда 24 ноябрда бошланган Ҳуқуқий билимларни ўрганиш ўн кунлиги давом этмоқда. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг мутахассислари, сиёсатшунослар ва тарихчи олимлар аҳолига баҳтимиз қомуси ҳисобланган Республикамиз Конституцияси ҳақида маърузалар ўқишмоқда, суҳбатлар уюштирилмоқда. Олий ва ўрта махсус ўқув юрларининг талабалари ўртасида ташкил этилган «Бош қонунни биласизми?» деган мавзудаги баҳс кечалари ҳам кўпчилик эътиборини тортмоқда.

Ҳозирдан катта маданий-маърифий ишлар ҳам амалга ошириляпти. Чунончи, 24 ноябрдан бошланган видео ва кинофильмлар намоиши 5 декабрта давом этади. Байрам муносабатлари билан бир қатор меҳр-шафқат тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилган. Боқувчисиз кишилар, мўтабар отахон-онахонлар, болалар уйлари тарбияланувчилари ва ногиронлар ҳол-аҳволдан хабар олинади. Бу мақсад учун вилоят ҳокимияти бюджетидан ташқари «Маҳалла», «Наврўз», «Меҳр-шафқат ва саломатлик», «Болалар жамғармаси» фондларидан 8 миллион сўмга яқин маблағ сарфланади. Шунингдек, жамоат ташкилотлари, қорхоналар, хўжаликлар ва бирлашмалардан озиқ-овқатлар, кийим-бошлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳадя этилади.

Бадий ҳаваскорлик гуруҳларининг чиқишлари уюштирилади. Турли спорт мусобақалари ташкил этилади. Байрам арафасида ҳамма ерда озиқ-овқат, халқ истеъмол моллари савдоси йўлга қўйилади.

«Ишонч» муҳбири.



## БИЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ

МУСТАҚИЛЛИГИНИ кўп давлатлар тан олган, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган давлат ўз Конституциясига эга бўлиши лозим эди. Давр қабул қилинадиган Конституция Республика мустақиллиги сўзда бўлиб, амалда марказ бошқарувида бўлган йиллардаги қомусдан тубдан фарқ қилишини таказо этарди. Шу боисдан демократик давлатларнинг Конституциялари синчиқлаб ўрганилди. Матбуотда эълон қилинган қомус лойиҳаси халқ томонидан тўлдирилди. Бунда мустақил давлатимиз ривожланишига замин бўлувчи халқимизнинг кўп асрлик тарихида таркиб топган кадрлар асос қилиб олинди. Шунинг учун конституция моддаларида Республикамизда яшовчи барча миллатларнинг хоҳиш-истаги ифода этилди. Уларнинг урф-одатлари, маданияти ривожланишига кенг имкониятлар яратилди.

Конституциянинг «Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар» бобининг 41-моддасида «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади...» дейилади. Бу билимга ташна бўлган ёшларни орзу-истаклари амалга оширишига тўлиқ имкон беради. Конституцияга риоя қилинаётганлиги учун республикамизда бозор иқтисодидаги ўтиш даврида ҳам ёшларнинг билим олишига шароит яратилмоқда. Мустақил давлатимизнинг келажаги бўлган ёш авлодга ғамхўрлик қилинмоқда. Бепул ўқитиш деганимизда талабанинг ўқиш даврида стипендия билан таъминланиши, ўқув биносининг жиҳозланиши, ётоқхоналарнинг таъмирланиши учун сарфланадиган маблағ давлат бюджетидан қопланиши ва бошқа харажатлар назарда тутилади. 42-моддада эса «Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади», деб таъкидланган.

Бу билан ҳар бир фуқарога ўзининг илмий ва маданий савияларини ошириш учун турли жамиятларга аъзо бўлиш, янгиликлар яратиш, уларни чоп этиш ҳуқуқи берилди. Қутубхоналар, маданият уйларида фойдаланиш, ёзувчилар, шoirларнинг асарларини ўқиш, рассомларнинг ижод маҳсуллари билан танишиш кафолатланади.

Бугунги кунда республикамизнинг шахар ва қишлоқларида миллий маданиятни тиклашга бўлган эҳтиёж кучаймоқда. Қадимги вақтда халқимиз орасида севиб қўйилган, ҳозирги вақтда унутилган куй ва қўшиқларни топиб, қайта жонлантиришга иштиёкманд бўлган маълумотли ташкилотчилар зарур бўлиб қолди. Бу мутахассислар бизнинг билимгоҳимизда тайёрланади.

Жойлардаги талабни ҳисобга олиб, билимгоҳимизда миллий халқ қўшиқчилиги ва фольклори дасталарининг раҳбарларини тайёрлайдиган бўлим очилди. Бу бўлимга 9-синфни тамомлаган ўқувчилар қабул қилинади. Келгусида масҳарабозлик ва дорбозлик курсларини очиши режалаштириб қўйди. Бу соҳада бизга билим юртимизнинг бошланғич қасаба уюшмаси кўмита фаоллари яқиндан ёрдам бермоқдалар. Техникумда «Наврўз» ва «Орзу» дасталари фаолият кўрсатмоқда. Дастур катнашчилари орасида «Қамолот — 92» конкурсида катнашиб биринчи, иккинчи даражали дипломлар билан тақдирланган ўқувчи-талабаларимиз бор. Бу йилги, «Қамолот — 93» танловда 15 нафардан зиёд талабаларимиз катнашишга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Қадрлар тайёрланадиган масканимизнинг «амалият-услубият» хонасида ҳар ойда ўқитувчиларнинг ўз устида ишланиш муҳокама қилинади. Яқинда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг нуфузли комиссияси билимгоҳимиз фаолиятини текшириб, ўқув жараёнини такомиллаштириш борасидаги ишмизга ижобий баҳо берди. Бу кўп-лаб маданият ходимлари тайёрланаётган билимгоҳимизнинг маърифатпарвар ўқитувчиларига бўлган ишонч рамзидир.

Абдулҳаким АҲМЕДОВ.

Тошкент маданият билим юрти директори.

## КАФОЛАТ

демократик давлат тузумининг тажрибасига, БМТ ҳужжатларига, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг барча қондаларига қатъий амал қилади. Унда аввалги давлат мафқураси, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамийки дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикр илгари сурилгандир. Ҳаёт тенгсиз, неъмат, энг улуғ — инсонга устиворлик берилиб, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечими топилган. Конституциянинг моҳияти ҳуқуқий демократик давлат — Ўзбекистон давлатини шакллантиришга қаратилган. Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси — барча фуқароларнинг, сиёсий муносабатларда қонун олдида тенглиги, қонунларнинг устиворлигини таъминлаш ҳисобланади. Ҳуқуқий давлатда ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат ва жамият халқнинг иродасини ифодалайди, шунга мувофиқ тарзда эса, жамият ва халқ давлатга хизмат қилади. Ниҳоят ҳуқуқий

дахлсизлиги, республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга, қонунда назарда тутилган тартибда республикага келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига ҳам эгадир.

Ҳар ким фикрлаш, ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран синдиришга йўл қўйилмайди.

Конституцияда фуқароларимизга берилган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар соҳасида кўпгина янгиликлар мавжуд. Фуқароларга жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашиш сўзда эмас, амалда беvosита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи берилган, жамият фаолиятини амалга ошириш митинглар ва йиғилишлар, намоишлар қасаба уюшмаларига, сиёсий партия-

### ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН!

«Ишонч» газетасига обуна бўлишни итасангиз билиб қўйинг. ЯҚҚА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН — унинг йиллик обуна нархи 4164 сўм (нашр кўрсаткичи — 64560).

КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР УЧУН эса йиллик обуна нархи 9888 сўм (нашр кўрсаткичи — 64561).

### ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

#### ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТўЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганга эса таквим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция бериллади.

### АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни кискартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, фамилияси, пени ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «п. в.» — «жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлимлари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазадн.

ФАРФОНА вилоятининг Бағдод туманидаги хўжалик хисобидаги қурилиш ташкилотиде бўлганимизда бу ерда ўтиш даври қийинчиликлари оқилона бартараф этилаётганининг гувоҳи бўлдик. Ишдаги тақчилликлар барҳам топган, барча келажакка ишонч билан боқмоқда. Натижада ташкилотнинг аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти ҳам, хизмат турлари ҳам ортмоқда. Ўзаро ҳамкорлик асосида ишлаш таъминотдаги узилишларга чек қўйибди.

## БАҒДОДЛИК ТАДБИРКОР

— Ташкилотимизда 80 дан ортиқ ишчи меҳнат қилади. Учта мебель цехимиз бўлиб, уларда 24 хил мебель турлари ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, юмшоқ каравотлар, ўриндик, диван, стуллар, ошхона жиҳозлари, шифонер, жовон, хонтахта, сўри, сандик, болаларбоп каравотлар, овқатланиш стол-стуллари, манеж, эшик, дераза ромлари аҳолига манзур келмоқда, — дейди ташкилот бошлиғи ишбилармон раҳбар Маҳаматжон Қорабоев, — Шунинг учун аҳоли талабига мослаб юқори унум билан ишлаймиз. Йиллик режамиз 11 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш эди. Лекин биз 8 ойдаёқ сал кам 13 миллион сўмлик маҳсулот тайёрладик. Йил охиригача яна 20 миллион сўмлик маҳсулотни ҳамюртларимизга етказиб берамиз.

Ха, ҳозир қаерда тадбиркорлик билан узоқни кўзлаб иш юритилса, таъминотда ҳам, ишда ҳам узилиш бўлмайди. Корхона қошидаги бетон заводида пойде-

вор блоклари, бойблуклар тайёрлайти экан. Улар эса ҳозирги кунда қурилиш ташкилоти-ю, аҳолига сув ва ҳаводек зарур. Яқинда янги гишт заводи, кўзгу ишлаб чиқариш цехи ҳам ишга туширилди бунинг натижасида бир қанча киши иш билан таъминланди. Ганчли ўрам билан нақшбанд қилиб ишлаб чиқарилаётган кўзгулар цехи водийда ягона. Шунинг учун бундай чиройли кўзгуларга қўшни вилоятларда ҳам харидорлар кўп экан.

Яқинда корхона қошида Германиядан келтирилган ускуналар ўрнатилиб энгил автомашиналарни таъмирловчи устахона очилди. Савдони йўлга қўйиш мақсадида эса Қорақўл қишлоғидаги мебель цехи қошида мебеллар ва қурилиш материаллари учун фирма дўкони ишга туширилди. Бу ерда корхонанинг 20 хилдан зиёд маҳсулотлари сотилмоқда.

Корхонамиз бозор иқтисодиёти шароитида дадил оёққа туриб олди. Чунки биз бунинг учун аввало қўшни республикалардаги корхоналар билан шартнома тузиб, келишув бўйича мунтазам равишда товар алмашиб турибмиз.

Мақсадимиз катта: келажакда цехларимизни янада кенгайтириб, шиша ва сопол буюмлар ишлаб чиқармоқчимиз. Тикувчилик цехи ҳамда чет мамлакатлар билан биргаликда тери ошловчи қўшма корхона очиш ниятимиз ҳам бор.

Адхам ДАМИНОВ,  
«Ишонч» мухбири.

## ШАКАР ЗАВОДИ ҚУРИЛАЯПТИ

ИТТИФОҚНИНГ тарқаб кетиши «собиқ республикалар билан хўжалик алоқаларининг узилиб қолишига сабаб бўлди. Натижада Украина ва Россия ўлкаларидан шакар олиб келиш қийинлашди ёки тўхтаб қолди. Бундан тегишли хулоса қилган Зарбдор тумани ҳокимлиги «Тараққиёт» ширкат хўжалиги ҳудудида шакар заводи қуришга қарор қилди. Бу ишни ишбилармон инсон — 21-механизациялашган кўчма қурилиш ташкилоти бошлиғи Ринат Ишалин зиммасига юкледи.

— Шакар заводи керакли асбоб-ускуналарни Қозоғистон давлатидан, хусусан

Алмати шаҳридан олиб келтиримиз, — дейди Ринат Ишалин биз билан суҳбатда. — Ташкилотимиз Қозоғистон энгил саноат корхоналари билан ўзаро шартнома боғлаган. Биз уларга керакли маҳсулотларни етказиб бермоқдамиз. Жумладан ўтган йили Жамбул шаҳридаги шакар заводига 300 тонна лавлаги етказиб берилди. Бунинг эвазига 30 тонна шакар ва лавлагидан тайёрланган ем олиб келдик. Бу йил эса уларга 1000 тонна лавлаги жўнатамиз. Эвазига эса 120 тонна шакар ҳамда чорва молларимиз учун ем оламиз.

— Ўз шакар заводингиз

қурилиши ҳақида гапирсангиз.

— Заводимизни тезкорлик билан қураймиз. Алмати шаҳридаги корхоналарга асбоб-ускуналар учун 30 миллион сўм пул ўтказдик. Заводимиз қурилиши 1994 йил апрель ойида ниҳояланиши лозим. Завад ишга тушгач кунига 5 тоннадан шакар бера бошлайди. Шунда зарбдорликлар Жиззах вилояти аҳолисини шакар билан тўлиқ таъминлаш имконига эга бўлади. Ширкат хўжаликларидан бир нечаси қанд лавлаги етиштиришга ихтисослашади.

«Ишонч» мухбири.



Сурхондарё вилоятидаги Ангор, Термез, Қизирик, Музробод ва Жарқўрғон тумани жамоа ҳамда давлат хўжаликлари аъзоларининг қувончи чексиз Чунки уларнинг уйларига кўпдан кўтилган табиий газ шу йил келтирилди. 2-трестининг 5-механизациялашган кўчма колоннаси ходимлари 444 километрлик масофага газ ўтказиш қувурлари ётказиб, 1763 хонадоннинг жонига аро кириш билан бу вазифаларни муддатидан илгари ва муваффақиятли бажардилар.

Суратда: (чапдан) газ-электр пайвандловчи М. Муҳамедов, кранчи А. Сангиновлар.

И. ХҲЖАЕВ  
(ЎЗА) суратга олган.

НАМАНҒАН вилояти Задарё туманидаги «Гигант» жамоа хўжалигига йўлим тушди. Қўғали қишлоғида тўхтадим. Бригадирлигида танишган, ҳозирда меҳнат фахрийсига айланган Акрам отани зиёрат қилгани бордим.

Қучоқлашиб кўришдик. Қўярда қўймаздан уйга бошлади. Бир дам хангома қурдик.

— Сал аввалроқ келганимизда тўйга етаклардим, — деди мезбон бошини сараклатаркан. — Ҳозир ўша ёқдан қайтаман.

— Раҳмат, бошқа сафар фурсат топилар, — дедим миннатдорчилик билдириб.

— Гап бошқа ёқда, — Акрам ота таъкидлади. — Сиз сингари мухбирлар ёзишса арзийдиган воқеа бўлди. Хўжалигимиз раҳбарлари бош бўлиб туриб ўтказишди тўйни. Қишлоғимизда Қўзибой деган ҳеч кими йўқ етим йигит бор эди. Ота-онаси болалигида ўтиб кетишган. Акаси ногирон. Қўллайдигани, суяйдигани йўқ. Армиядан келганига икки-уч йил бўлди. Охири катталар бош қўшишди. Олдинига уйини таъмирлашди. Кейин зарур маблағ ажратиб кексаларни ишга солишди. Ўзи сингари мўмин-қобилгина қизни никоҳладик. Бугун тўй.

Шу тариқа Акрам ота билан осон кечмаётган ҳозирги кунларимиз, қийинчиликларни енгилаштириш йўлида қўрилаётган чоралар хусусида гаплашиб қолдик.

— Мен ёшим саксонга етиб бораётган одамман, — деди суҳбатдошим кексаларга ҳос қиравот билан. — Ислом Каримовдек узоқни кўрган, етти ўлаб бир кесадиған инсоннинг юртимизга бош бўлиб турганлиги учун Оллоҳга минг бор шукроналар айтсак арзийди. Президентимиз гамхўрликни даставвал кексалардан, ногиронлардан, қаровчиси йўқ кишилардан бошлаганлиги таҳсинга сазовордир. Катта сойдаги сув қаёққа оқса, кичигидагиси ҳам ўша тарафга жилдирайди. Вилоят, туман, қолаверса, хўжаликдагилар ҳам юртбошимиз йўлидан боришнати. Мисолга ўзимизнинг раис Абду-

саломни олайлик. Катта-ю кичикка биричи бўлиб салом беради. Бунақа қабилдаги зотлар ҳаммадан аввал халқ манфаатини назарда тутяшади. Ишонмасангиз сўранг, 10 минг аҳоли орасида неча нафар қария, ногирон, қаровсиз бечора борлигини ухлаётганида ҳам айтиб бермаса мен кафил. Қўзибойнинг тўйи ташаббускори-ю ташкилотчиси ўзи бўлди. Тўйчибой Қамбаров, Ҳолнисо Ўрмонова каби ҳеч кими йўқ қарияларимизга турар жой тиклашда ҳам ҳашар бошида бел боғлаб турди. Абдували Арабов деган отахон бор. Ердамга муҳтож. Ўтган қишда чол-кампири қийналиб қолишди. Бундан хабар топган раис масалани бошқарув ҳайъатига қўйди. 900 минг сўм

аъзоларига тақсимладик. Бу йил 7800 тонна ёки ўтган йилгидан 600 тонна ортиқ пахта тайёрлашни мақсад қилганмиз ва 1 миллиард 200 миллион сўм даромадни кўзлаганмиз. Табиийки, бу маблағ ҳам хўжалик меҳнат аҳли қорини тўқлаш, устини бутлашга сарфланади.

Суҳбатимиз мавзуси ўз-ўзидан бозор иқтисодиёти шароитида фуқароларни иқтисодий ҳимоялаш масаласига бурилди.

— Дарҳақиқат, синов дамларини бошдан кечиряпмиз, — дея фикримни қувватлади А. Гофуров. — Буни назарда тутган бошқарув ҳайъати аҳолини иложи борича ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини кўрмоқда.

## ЭЛ ОЛҚИШИ

маблағ сарфланиб Арабовлар хонадони табиий газдан баҳраманд этилди, шу билан бир қаторда иситиш воситалари ўрнатилди.

Раисни учратганимизда Акрам отадан эшитганларимни тилга олдим.

— Мен асли комсомолдан тортиб, коммунистик фирқа тизимларида ҳам ишлаганман, — дея гап бошлади Абдусалом Гофуров, — Ўша замонлардаёқ мени бир нарса бошимни қотирарди. Ўлкамизда тайёрланган маҳсулотларнинг асосий қисми ташиб кетиларди. Хўжаликдаги вазифалар, ниорлардаги чақириқлар амалиёт билан бақамти келмасди. Шукурларки мустақиллигимизни қўлга киритдик. Энди ўзимизни дейдиган замон келди. Шундай экан, нима учун ўз элимизга қайгурмаслигимиз керак? Масалан, бултур 260 миллион сўм даромад қилган бўлсак, шундан сарфхаражат ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга мўлжалланган қисмини чиқариб ташлаб қолганини хўжалик

Энг аввало, хўжалигимиз ҳудудидаги келажакимиз эгалари бўлган кичик-тойларнинг баркамол воёга етишларини таъминлаш учун 1,5 ёшдан юқори бўлган мактабгача ёшдаги болаларнинг деярлик ҳаммасини мавжуд 13 жойдаги богча-ясилга тортганмиз. Иккинчи йилдирки, дала шийпонларида ва чорвачилик фермаларида тушлик овқат бепул берилди. Талай майдонда пахта билан бир қаторда шоли, галла, сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштирамиз. Вақти-вақти билан уларни жон бошига қараб тақсимлаб бориш жорий этилган. Аҳолининг ёғ ва гўшдан толиқиб қолмаслиги чорасини ҳам кўриб борапмиз. Ҳар ойнинг маълум кунларида хўжалик фермаларидан ҳайвон келтириб дала шийпонларида сўйилади. Гўшти арзон нархларда соғилади. Тегишли ташкилотлар билан маҳсулот айрбошлаш усулида пахта ёғи муаммоси ҳал этиляпти. Шунингдек, иссиқ ва совуқ маъракаларни ўтказишда ҳам

жамоамиз аъзолари қўллаб-қувватланмоқда. Бундай маҳалларда касабн уюшма қўмитаси билан келишилган йўсинда ажратилган маблағдан ташқари ёғ, гўшт, гурунч ва бошқа маҳсулотдан кўмаклашилади. Ҳудудимизда 20 ногирон, 60 нафар қаровчисиз кекса, кам таъминланган ва кўп болали оила бор. Умуман, 200 киши хўжаликнинг ички нафақасидан баҳраманд.

Кунларимиз энгил кечмаётганлигига қарамасдан қишлоқларни ободонлаштириш, турмуш шароитини яхшилаш бўйича анча тадбирлар амалга оширилаётганлигидан ҳам хабардорлигимизни билдирдим.

— Ҳеч нарсани ваҳима қилишга ўрин йўқ, — деди шунда раис. — Бизда турмуш шароити яхшиланса, яхшиланяптики пасайгани йўқ. Тўйларимиз ўз вақтида ўтяпти. Савдо ва маиший тармоқларимиз гавжум. 20 та дўкон, 30 га яқин маиший хизмат шаҳобчаси ишлаб турибди. 14 та қишлоғимизнинг бари водопровод сувида баҳраманд. 4 таси газлаштирилди. 3 тасида монтаж ишлари борапти. Кейинги вақтда янгидан 3 та автобус маршрути очилди. 360 ўринли янги 8-мактаб қуриямиз. Унга 50 миллион сўм сарфланади. Дехқонларимизнинг ўртача ойлик маоши 45 минг сўмга етиб бораптики, бу тирикчиликдан толиқиб қолмаслик кафолатини беради.

Ҳеч нарса иссиқ кетмайди. Жумладан, хўжалик меҳнат аҳли ҳам ўзлари ҳақида қилинаётган гамхўрликка амалий жавоб қайтармоқда. Кексалар эса фотиҳага қўл очмоқда. Машойхларнинг олтин олма дуо ол, деган нақлнинг мазмуни, аҳтимол, шундадир.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,  
«Ишонч» мухбири.



Саволларга иктисодчи Санжар РАСУЛОВ жавоб беради.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосан 1 ноябрь 1993 йилдан иш ҳақи 1,2 баробар оширилиши муносабати билан ушлаб қолинди дарамад солиқлари ҳақида маълум берсангиз.*

**Ҳақим АҲМЕДОВ,**  
Тошкент вилояти, Бўка тумани.

1 ноябрь 1993 йилдан иш ҳақининг 1,2 баробар оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ бош бошкармасининг 4 ноябрь 1993 йил 10/2—2942 хатига асосан даромад солиғини белгилаш тартиби куйидагича олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 октябрь 1993 йилдаги «1 ноябрь 1993 йилдан пенсия, стипендия ва

иш ҳақларини 1,2 баробар ошириш ҳақидаги» Фармони қабул қилиниши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнаний фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинди дарамад солиғи тўғрисидаги қонун», Ўзбекистон Молия вазирлиги ва Давлат солиқ Бош бошкармасининг 21 май 1993 йил № 24 ва № 33 сонли қўлланмаларига асосланган ҳолда олинди дарамад солиғи микдори куйидагича бўлади:

Даромаднинг солиқ олинмайдиган қисми чегириб ташлангандан сўнг йиллик даромад микдорлари (сўмда)

Солиқ қиймати

583200 гача	14 фоиз
583200 дан 777600 гача	81648 сўм + (583200 сўмдан ортган қийматнинг 16 фоизи)
777601 дан 972000 гача	112752 сўм + (777600 сўмдан ортган қийматнинг 20 фоизи)
972001 дан 1.458000 гача	151632 сўм + (972000 сўмдан ортган қийматнинг 30 фоизи)
1.458001 дан 1.944000 гача	297432 сўм + (1.458000 сўмдан ортган қийматнинг 40 фоизи)
1.944001 ва ундан ортқ	491832 сўм + (944000 сўмдан ортган қийматнинг 50 фоизи)

Даромаднинг йил давомидаги солиқ олинди дарамаднинг қисми аниқланганда Ўзбекистон Республикаси Президенти

нинг Фармони асосан белгиланган даромаднинг солиқ олинмайдиган қийматлари даврлар бўйича ўзгариши

*1957 йилдан бери Сайхунобод пахта тозалаш заводида уста, ишчи, юк ташувчи бўлиб ишлаганман. Ҳозир шу заводда қоровулман. Заводда ишловчиларни қандай ҳолларда рағбатлантирилишлари мумкинлиги ҳақида маълумот берсангиз.*

**Нуриддин ҲАЙРУДДИНОВ,**  
Сирдарё вилояти Сайхунобод пахта тозалаш заводи.

Ўзбекистон Республикасининг Қорхоналар ҳақидаги қонун ва Меҳнат қонунлари кодексига асосан ҳар бир қорхона ўз Низомини ва шу низом асосида «Қорхонада ишловчилар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантириш ҳақидаги қоидалар»ни яратиб, шу қоидаларга асосан ҳар бир ишловчи қорхонадаги ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятнинг ой-

лик, йил чораги ва йил натижаларига қараб рағбатлантирилиши керак.

Бунда қорхонада ишловчиларнинг барчаси эгалланган вазифалари ва бажарган ишларидан қатъий назар унинг ҳажми, сифати, ишлаган даври ва унга тўланган иш ҳақи мутаносиб рағбатлантириладилар.

Айрим ҳолларда қорхоналарда махсус бажарилган

иноватга олиниб ҳисобланади (январь-март ойларида 2500 сўмдан; апрель-май ойларида 3000 сўмдан; июнь ойида 7500 сўм; июль-август ойларида 11250 сўмдан; сентябрь-октябрь ойларида 13500 сўмдан ва ноябрь ойида 16200 сўм).

Масалан:

Фуқаронинг январь-октябрь ойларидаги жами даромади 891000 сўм; ноябрь ойи даромади 90000 сўм ва унга моддий ёрдам сифатида 60000 сўм берилган. Шу ҳолда фуқародан даромад солиғи олиш тартиби куйидагича бўлади:

1. Моддий ёрдамдан энг кам иш ҳақининг 3 баробар микдорига солиқ олинмаслиги иноватга олинганда яъни  $60000 \text{ сўм} - 48600 (3 \times 16200 \text{ сўм}) = 11400 \text{ сўм}$ . Фуқаронинг даромади  $891000 + 90000 + 11400 = 992400 \text{ сўм}$  бўлади.

2. Даромаднинг солиқ олинмайдиган қисми  $(2500 \times 3) + (3000 \times 2) + (7500 \times 1) + (11250 \times 2) + (13500 \times 2) + (16200 \times 1) = 86700 \text{ сўм}$  бўлади. Жами даромад солиғи олинди дарамад қиймат  $992400 \text{ сўм} - 86700 \text{ сўм} = 905700 \text{ сўм}$  бўлади.

Демак йилнинг 10 ойи давомида қилинган даромаддан олинди солиқ қиймати  $112752 + (905700 - 777600) \times 20 \text{ фоиз} = 138372 \text{ сўм}$  бўлади. Агар ўтган 9 ойда 129510 сўм даромад солиғи олинган бўлса ноябрь ойи учун даромад солиғи  $138372 \text{ сўм} - 129510 \text{ сўм} = 8862 \text{ сўм}$  бўлади. Яъни йил давомида ушлаб қолинган даромад солиғи ҳисобга олинади.

ишлар учун шу ишга алоқадор бўлган ходимлар рағбатлантирилиши мумкин. Пахта толасини экспортга тайёрлаб сотиш ҳам шундай ишлар қаторига кирилади.

Ўзбекистон пахта қайта ишлаш ва пахта маҳсулотини сотиш давлат акционерлик уюшмасининг 07.10.93 а 16/1-3-425 тавсияномасига асосан пахта толасини экспортга тайёрлаш ва сотишда иштирок этмайдиган бир қатор ходимлар, яъни маданий-маърифий ишлар бўйича раҳбар муовини, бухгалтерия ходимларининг маълум қисми, тракторчи ва автомашина ҳайдовчиларининг маълум қисми, экспортга алоқадор бўлмаган оғир муҳимлик, ишчилар, фаррошлар, қоровуллар рағбатлантирилмайдилар.

*Қорхонамизда айрим ишчи-хизматчилар 2-3 йиллик меҳнат таътиллари турли сабабларга кўра олмаганлар.*

*Ҳозирги кундаги икки йиллик меҳнат таътилини ҳисоблаш тартиби бўйича маълумот берсангиз.*

**Х. ТУРАЕВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл тумани.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги 6 июнь 1992 йил 12-04-13 сонли хатига биноан меҳнат таътили ҳақи ходимнинг таътил олдидан ҳақини олган ойлик

маошига бир йиллик мукофотнинг (ижтимоий сугурта ҳисобланмайдиган мукофотлардан ташқари)  $\frac{1}{12}$  қисми кўшиб ҳисобланади.

*Мақтабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. 1993 йилнинг май-август ойларида декрет таътилига чиқдим. Ўзбекистон Президентининг Фармони асосан шу ойлар ичида ўқитувчиларнинг тариф қийматлари 3 марта кўтарилди. Айтингчи, мени декрет таътили ҳақим қайта ҳисобланиши керакми?*

**Иноват НОРМАТОВА,**  
Жиззах вилояти, Бахмал тумани, 47-ўрта мактаб.

Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 23 сентябрь 1992 йил 19-сонли Қарори билан 12 ноябрь 1984 йилда Бутуниттифок уюшмалари Марказий Кенгаши томонидан тасдиқланган «Давлат ижтимоий сугуртасидан нафақа-

лар билан таъминлаш тартиб-қоидаларининг 77-моддасига киритилган ўзгартишга асосан «вақтинчалик меҳнатга яроқсизлик ёки фарзандлик бўлиш даврида иш ҳақи (тариф ставка) ўзгарса таътил ҳақи ҳам шу даврда бошлаб қайта ҳисобланади».

*Урта мактабни битиргач оққа кўчирувчилик ва стенография курсини имтиёзли битириб, котибалик вазифаси билан бирга қишлоқ клуби мудирлиги вазифасини ҳам бажармоқдаман. 1992 йили Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигига қарашли маданият ходимлари малакасини ошириш курсини битирдим.*

*Мендан олдин ишлаган клуб мудирини декрет таътилида. Унинг маданият ишлари бўйича ихтисоси йўқ. Айтингчи, ихтисоси бўлмаса ҳам декрет таътили тугагандан сўнг клуб мудирлиги вазифасида ишлашга ҳақлими?*

**М. МАЛИКОВА,**  
Тошкент вилояти, Чиноз тумани.

Ўзбекистон Меҳнат қонунлари кодексининг 191-ва 194-моддаларига асосан аёллар фарзандлик бўлиш даврида ва фарзанди 1,5 ёшга етгунга қадар тарбиялаш учун ижтимоий сугурта бўйича нафақа, қисман тўланадиган ва ўз ҳисобидан тўланмайдиган

таътилга чиқишга ва бу таътил даври тугагандан сўнг ўз вазифасини эгаллашга ҳақли.

Кейинчалик қайд этилган вазифада қим ишлаши ишларининг маълум қисмига этиши мумкин.

● Саҳифани ишлаб чиқариш ва хўжалик бўлими тайёрлади.

БИЗДАН СЎРАБСИЗ

БИЗДАН СЎРАБСИЗ

БИЗДАН СЎРАБСИЗ

БИЗДАН СЎРАБСИЗ

## ШОИР НОМИ БЕРИЛДИ

Эндиликда Нукус давлат педагогика институти Қорақалпоқ халқининг классик шоири Ажиниёз Қўсийбой ўғли номи билан аталди деган бўлди. Бу ҳақда Қорақалпоғистон республикаси Олий Кенгаши махсус қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги шарофати билан Қорақалпоғистон Республикасида ҳам миллий хусусиятларни маҳаллий шароит-

ларни эътиборга олган ҳолда номларни абадийлаштириш поёнига етди. Шундай қилиб, кўчалар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшаш пунктлари, қолхоз-совхозларга машҳур аждодларимизнинг номларини қўйиш юзасидан бир неча ўн йиллардан бери йўл қўйиб келинаётган адолатсизликка қатъий чек қўйилди.

**Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,**  
«Ишонч» муҳбири.

## МИННАТДОРЛИК


«Ишонч» газетаси орқали меҳнатқашлар ва меҳнат фахрийлари номидан Тошкент вилояти агросаноати ходимлари қасаба уюшма кўмитаси (раиси К. Шодиметов, техник назоратчиси Р. Усмонов)га хўжалигимиз аъзоларига қилаётган ажойиб гам-хўрликлар учун чин дилдан миннатдорчилик билдираман.

Қишлоқ меҳнатқашларига қулай шароит яратиш, меҳнат муҳофазаси бўйича ўқувлар ўтказишни ташкил этиш, турли йўл-йўриқлар кўрсатишда уларнинг хизмати катта бўлаётир. Вилоят қасаба уюшмаси кўмитасининг бундай савобли ишлари хўжалигимиз аъзоларининг меҳнатда улкан ютуқларни қўлга киритишларида катта мадад ва уларга гайрат-шижоат бахш этмоқда.

**Т. ОРИПОВ,**  
Тошкент вилояти Урта Чирчиқ туманидаги «Қорасув» жамоа хўжалиги раиси,  
**И. ҲОШИМОВ,**  
Қасаба кўмитаси раиси.



# ТУҒИЛИШ



ВО АЖАБ, уйкумда эсамда, борлиқнинг илиқ-иссиқ бағрини сезаётирман. У бағоят оромбахш, ҳаёсиз-худудсиз борлиқ кучоғидан-у борлиқ менинг кучоғимда яшаётгандай, яйраётгандай. Гўё кўзи ёриб, узок муддат нури дийдасини кўрмаган она руҳсорига, она кўксига зору зор қақшаган бола ногоҳ бир-бирлари ила учрашгандай, бир-бирларининг хидларига тўяётгандай... Чамаси борлиқнинг комилу бутунлигидан, буюклигидан далолат, зарраларнинг хамиша унга зорлигидан, унингсиз имконсизлигидан далолат. Орзиқаман. Рухим юксакликларга талпинади. Ичинимдан ҳаприкиш, нидо келади: «Дунёим, дардингни олай! Ахир мен зарраман! Шу кўламга, шу Ватанга боламан, холос!»

Ватан нима? У жаннатдан қувилган, охир-оқибат яна ўша сир, сукунат жабҳаларига қайтадиган Одам болалари учун бирров кўниб ўтадиган сайри бог, бекатми? Боридан баҳра олиб, майшат қилиб, топтаб кетиши керакми? У ўтган аждодларининг руҳи, хоки туроби қолган, ўзининг ҳам насл насаби умргузаронлик қиладиган маскан-ку!

Сен эй, улуктирган болалик, бадгумонлигим! Бўйнимизга қизил бўйинбоғ тайғилган дамдан «Ватан!» деб бонг уриб ўзни пеш қилган давр-давроним! Тасаввур қилиш йўқ. Энди аён, пешкашлик, манманлик — дилга, дунёга отилган ўк!.. Қай биримиз тошдан қаттиқ тирикчилик ташвишида, қай биримиз мансаб, манфаат васвасида «Ватан» дея ҳайкирибмиз. Ҳайкирибмизу кўз ўнгимизни кўнгилларимиз кўзларини ҳайкириқлар тўзони қоплаётганини билмабмиз. Шу тўзонга қоришиб ватанда ватансиз қолаётганимизни билмабмиз.

Борлиқ оғушидаги тану жоним сесканади. Чунонам сархуш, аллакандай оппоқ-оппоқ нурлар-ла сийланаётган, сараланаётган ўйларимда сесканади: «Йўқ, йўқ!.. Ватанмақтовларга мухтож эмас! У — иймон... У — муқаддас макон. У — Ҳақ таолонинг бандаларига инояти... Ватан тил учига сиғмайди! Уни бутун борлиғича юракка жо этмасдан, заррасига айланмасдан айтилган ваъзларнинг, мактовларнинг барча-барчаси ёлғон, таъма! Таъма эса харом. Хар қандайин сафсата, тарафкашлик — пасткашлик, хиёнат демак!»

Тириклик — кўргулик... Тириклик — абадиятга даҳлдорлик... Бу дунёдан кимлар ўтмаган. Кимлар келиб кетмаган бу дунёга. Гуноҳ иш қилиб ужом-пучмоқлардан қувилган банда мудом ўзини излайди. Топармикин? Ўзини топганлар бормикин? Ҳаққа етишганлар бормикин?

«Бор! Бор!» дея тиниқаётган, дунёдан ҳақ, ҳайрихоҳлик тиланаётган ўйларим жунбушга келади. Сукутга толаман. Толиқиб-толиқиб қулоқ соламан. «Бор! Бор!» дея садо келади яна. Борликқа бағримни бериб тинглайман, тикиламан. Кўкнинг кўкси ёришиб кетгандай, юлдузларнинг кўзлари куралай. Улардан қай бирлари киприқларимга кўниб сано айтадилар, саловот айтадилар. Баногоҳ танг қоламан. Хузуримда бирлик, бутунлик яловбардори Амир Темур, фоний дунё дарвозасини очган Беруний, одамзот юрагини ховучига олган Абу Али ибн Сино, замонларни тасбеҳ доналарига дай бир чизим этган Фаробий боболаримиз, ҳазрати Аҳмад Яссавий, Нақшбандий, Навоий пирларимиз намоён бўладилар. Уларга бош эгиб, салом бераман. «Бор! Бор!» дейман ўзимга ўзим. Хуррият, хурликка чиққан дил, диёнат ҳақида ўйлайман. Кўз олдидан ўтиш даврининг ўтағаси, Республика мустақиллиги йўлида собит ният, собит кадамлик қилаётган Президентимизнинг пича хоргин ва лекин жанговор киёфаси ўтади.

...САМО сирли, синоатли. У парча гуллик кўкиш кўйлак кийган доя бувига ўхшайди. Лўппи юзини доғ босган ой ҳадемай кўзи ёрийдиган жувондай кимтинани, алланималар дея шивирлайди. Юлдузлар — самовий кўзлар чакнаб-чарақлаб кўядилар. Қаёқларгадир имо қиладилар, иктидо қиладилар. Уфқ этаги ёришмоқда, атроф ёришмоқда. Еруғлик — шодумонлик. Хай-хай, ёруғлик юзларимни сийпалаётир, юрагимга, қалбимга оқиб қираётир.

Бефармони Худо, айни мўъжиза: оппоқ-харир либосга бурканган юртимни кўраётирман. Тўйиб-тўйиб кўргулик, тўйиб-тўйиб суйгулик... Болалигимда, кўнгил бойчечак туссаган дамларда қайда эди у? Қанчалик бефарклик, бағри-тошликки, билакларим кучга тўлганида, кўрар, кўзларим кўламини илғайдиган дамларда қайда эди у? Энди ўйлаб қарасам, юртимни борлиғича кўрмабман. Уни деб кўйинмабман, уни деб суюнмабман.

«Сен сан — толиби Ватан... Жим, жўмардлик, қил, азон товуши келаётир!» Ха, ха, дарвоқе азон! Унга икки жаҳон ошин... Шу топда Ер-да жим, Кўк-да жим. Гўё иккиси-да жон қулоқлари ила тинглайдилар, юкинадилар. Шунчалар ҳам сирли навоми у? Овоз-ку, таниш. Е Раб, таниш овозда тўлганиш, тўлқинланиш... Кўламини сукутга толдираётир, сел қиладётир. Тасаввурга сиғмас оҳанглар, ранглар томирлардан қон янглиғ оқаётир. Уни қўлиқабғига таяниб ўзимизнинг Жўра бобо айтаётир. Ўликларни уйғотувчи,

тирикларга тириклигини эслатувчи садо! Садо — муддао... Тириклик уни, тақдир индовимикин у?

Ортда қолган, ўксиниб ўтган йиллар, умрларни эсламоқ оғир. Жўра бобо йиғлаб туриб кулади, қулиб туриб йиғлайди. Кўнгли бўш. Урушдан мажруҳ қайтган. Ичи тўла армон Мустақиллик руҳ бергандай унга. Етган одам мустақиллик шабадасидан эснаб, елиниб-еллиниб ўрнидан турди. Эхтимол, куйиб-ёниб, эшилиб-эшилиб азон айтаётгани шундан. У Ҳақ йўлига одамларни уйғотаётир. «Истиклол» маҳалласининг «Истиклол Уйи» пешайвонидан иймоннинг бирлиги, ватаннинг нодирлиги ҳақида жар солаётир. Азон... Азондан мудраган мавжудодга жон битаётир. Кечмишларга, хуш-нохуш хотираларга жон битаётир.

УЙҚУ ширин... Уйку ғафлат... Хотирамда ўтган замоналар бир-бир тириладилар, хуркитилган юракни яна хуркитадилар, тиг урадилар. Тарқок, бир-бири билан қовушмаган, ерининг қадрига етмаган элни ёв босади. Ев босган йиллар... Халқ тарихини, дину диёнатини топташ... Қизил инкилобнинг киргинлари... Миллатчи саналиб, кесилган сара бошлар... Рухимни, вужудимни қонли ўтмишнинг зилзамбил юки босган. Кимирлагани, турғизгани кўймайди. Типирчилайман. Хобимдан сапчиб уйғонаман, хобимда тўлғонаман.

Ана, маним ариғим! Айқирмайди, ҳайқирмайди. Симиллайди. Сувгаташна боболарим қон қусиб қазиганлар. Улардан қолган хотира... Юрагим сиркирайди! Гурра-гурра учадиган қушлари, қанор-қанор ёнғоқ, жийда тўкадиган дарахтлари қани? Кесилган, кирғоқларига бетон ётқизилган, яланг. Ана, ахлат-чиқит босган тепалар, сўйлаб оқар, қуйлаб оқар Бўтасой! Епирай... уни ўчган, бежаранг. Қушлари қирилган, балиқлари овлаб кетилган.

Ана, шўри қуриб қолган Оролим! Сувсиз, сафосиз. Гўёки очик мазор... Кум, шўрхоқларга ярим кўмилган кемалар... Чироғ ўчган гўшалар, синган бешиқлар, тити-пити увадалар... Ана, маҳобатли Афросиё! Евлар, ёвузлар оёғи остида қолган вайрона... Ана, Бибиҳоним масжиди! Ана, олтин нақшлари кўчириб олинган Темур даҳмаси... Эй, Ер, эй Осмон, қани унинг руҳи, қани наъраси? Эй, кураги ер искамаган Алпоминшлар, тарих яратган аҳли донишлар Ватани, шу кўйга тушдингми, а?! Шу кўйга тушдингми, эй мушфиқ Она?! Дийдамда йиғи, дилимда йиғи, Эй, бошига бало тошлари ёғилган Юртим, сени топташга, оёқ ости қилишга кимнинг, кимларнинг ҳадди сиғди? Ким? Ким? Ев босганида сени суйгучи, сени деб куйгучи топилмадимми? Кўз қорачўғидай авайлаганинг, донгини дунёга таратган болаларинг қайда эди? Қайда?!

КЕЧА осуда. Осуда кечада кумуш кукунлари янглиғ тўзди, ипак толарайдай толим-толим ёғдулар ўйнайдилар. Ёғдулар — рухлар, рухиялар... Улар юзларимни, ўйларимни сийпалайдилар, иктидо қиладилар: «Уйғот! Уйғот!...» Ўсиб чиққандайин бағримдан қанот... Рухимда рўйхушлик, бир ширин қушойиш. Кимни, нимани уйғотай? Кўзларимга мағрур, келбатли тоғлар кўринаётир. Шалолалар, тоғлар этагига этак тутган даралар, ям-шил далалар кўринаётир. Баҳор... Борлик баҳорнинг бўйида. Тоғлар осмон кучоғини маскан тутганлар. Ўйларим безовта. Безовта ўйларим қалбимни, ҳолсиз-ҳаракатсиз вужудимни маскан тутганлар.

Маскан — Ватан... Ватан — ўз ўйинг, ўлан тўшагинг... Ёғийлар, малъунлар! Наҳот ўланымдан, ўлан тўшагиндан айирганлар?! «Жим... Жим... Мавжудод Тақдирга, тирикликка сано айтаётир! Саловат айтаётир!...» Чақноқ фикрлар — мусаввир, борлиқни борлиғича чизаётир, кўз-кўз қиладётир. Борлик... Борлик... Борлик кўзларим қорачиғига сиғаётир. Кўксимда, аъзойи баданимда бир нима типирчилайди. Борликка интилади, мени борликка ундайди. У — уйғонган юрак! У — уйғонган тилак! У... — кечаги бир тош!.. Ха-я, ана, ҳатто Хондайликда кўрганам Туятош! Кўзгалаётир. Бағрини тоғ бағридан кўтараётир... Ана!..

«Кўзингга тор кўринса бу олам, ўзингдан ўзагинг узилса болам, тоққа чиқ! Юрт тоғда — йўриғ тоғда!» Қачон эшитгандим бу гапларни? Кимдан эшитгандим? Ха, ха, Бурчи-мулланнинг китоб кўрмаган мулласи, кадрдоним Перна чол айтганди. Перна чол палтовлик, Палтов дегани Болтоғ дегани. Чиндан ҳам бол тоғи, қор тоғи, гўзаллик тоғи у. Унча-мунча кишининг оёғи тегмаган. Йўли, сўқмоғи бамисоли қилич тиги, пулеирот. Перна чол шу жойда яшайди, шу жойлардан доривор ўт, мўмиё теради. «Бало, офатлардан омон чиққан юртга омонлик тила, отахон! Бўзноқ улаш, мўмиё улаш, дардманларни йўлга йўлла, отахон!...»

Оппок... оппоқ... Оппок обйда. Нурлар, шуъалалар йўрғида борлик — бир билак бола. Истиклол топган, мустақилликка эришган юртим у! Талпинмоқда. Мени ўзинга талпинтирмоқда. Уни оппоқ тоғ туғиб қўйди. Ажабо, назаримда мен ҳам туғилдим. Ўйларимда ҳаяжон. Гоҳо, одам боласи қайта туғилгани дейман. Шунақага ўхшайди.

Салом, менинг болақай Юртим, Салом орзуларим!

Турсун ИБРОҲИМ.

ХАЛҚИМИЗНИНГ «Умидимиз эртанги кундан» деган доно гап бор. Биз мустақилликка эришган Ўзбекистонимизнинг эртанги кунига катта умид боғлаяпмиз. Бунинг учун йўлда қийинчиликлар бўлади, албатта. Ўз миллий пулимизга ўтиш арафасида, яъни шу йилнинг 15 ноябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1961—1992 йилларда чиқарилган нусхадаги рубль билан баробар «сўм-купонлар»нинг муомилага киритилиши катта воқеага айланди. Ана шу воқеа муносабати билан муҳбиримиз меҳнат фахрийларидан бир неча киши билан суҳбатлашди.

**Каромат БОЗОРОВА: фаррош.**

— Тошкент шаҳри марказида Ўзбекистонимизнинг биринчи оқсоқоли Йўлдош ота Охунбобоев ҳайкали ўрнатилган. Ана ўша майдонларни чинни-чироқдек қилиб тозалашга ҳисса қўшаман. Уттиз йилдан ортида шу ишда ишлаб бошлаганимга. Ҳозир маош ҳам оламан, пенсия ҳам...

Сўм-купонга ўтиш даврида сираям саросимага тушганим йўқ. Пенсия пулимни ҳам, маошимни ҳам ўз вақтида олдим. Озми-кўпми йиққан пулимни омонат дафтарчасига қўйдим. Рухим баланд. Ҳаётимда қийин вақтларни, уруш даврини ҳам кўрганман. Ҳозир худого шўқр, нон бор, ош бор. Нолимаслик керак.

## ЯХШИ КУНЛАР ЯҚИН

**Йўлдош ОҚҚУЛОВ — Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани фахрийлари кенгаши раиси:**

— Бизнинг бозорларда ҳам сўм-купонга ўтилган кунлар нарх-наво кўтарилиб кетди. Яхшики, туманимиз раҳбарлари дарҳол фаоллик кўрсатиб, тайёрлов идораларини ишга солишди. 3 минг сўмдан янги гўшт, 300—350 сўмдан картошка, пиёз сотишни ташкил қилишди. Нарх-наво анча тушди.

Туманимизда 7952 нафар пенсионер бор, уларга 269 миллион 700 минг сўм-купон ўз вақтида берилди. Барча хўжаликларда, маҳаллаларда кўчма омонат жамғармалари дам олиш кунисиз ишлади.

Тўй қиладиган ёки бошига ўлим тушган кишиларнинг 200 минг сўм пулини сўм-купонга тенгма-тенг алмаштириб берилди. Ўз пулимизга эга бўладиган кунлар яқин қолгани қувончли ҳол, деб ўйлайман. Ана ўшанда иқтисодимиз мустаҳкамланади, ризқ-насибамиз четга чиқиб кетмайди.

**Саид Карим ҚОСИМХУЖАЕВ — Тошкент шаҳри. Ш. Рашидов номидаги маҳалла қўмитаси раиси, меҳнат фахрийси. Саид Карим ака ўттиз йил давомида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси идорасида ишлагани. Ҳозир ҳам шу Федерация фахрийлари кенгаши раиси:**

— Қадимда ўзбек пули, яъни олтин-кумуш дунё бўйича катта обрў-эйтибор топган. Қўқон, Бухоро хонлари, Амир Темур чиқарган пуллар дунё бозорида баланд қийматга эга бўлган. Мустақил Ўзбекистонимизнинг миллий пули ҳам ана шундай жаҳонгашта бўлишига, дунё миқёсида юришига ишонаман. Уша кунларни кўриш бизга ҳам насиб этсин.

Ўзбекистоннинг ўз пулига ўтишини, ўзига хос инкилоб дегим келади. Сўм-купоннинг рубль билан тенг қийматга эга эканлигини халққа ғамхўрлик наъмунаси деб биламан. Ахир биз ўз тилимиз, ўз пулимиз, ўз эътиқоду эркинлигимиз бўлишини неча йиллар орзу қилгандик. Орзуларимиз аста-секин ушалапти. Ўзбекистоннинг ўз пулига эга бўла бошлаши мустақиллигимизнинг дадил қадамидандир.

Мен ҳаётимда уч марта пул алмаштириш ҳодисасини кўрдим. Бир пайтлар қоплаб пул кўтариб юриб, қийнаиб қолганлар бўлган. Ҳозирги «сўм-купонлар»ни муомилага киритишда эса халқ манфаатини ўйлаб иш тутилган. Яхши, ёруғ арзончиликка эришадиган кунлар келади. Энг муҳими масъулият ва иродани бўшаштирмаслик керак.

«Ишонч» муҳбири.



**Ж**ИЗЗАХ вилоят ижтимоий-таъминот бошқармаси раҳбарияти ва унинг яроқсиз иш услуби ҳақида қулоққа ҳар хил гап-сўзлар чалиниб қоларди. Бу гапларнинг қанчалик тўғри-нотўғрилигини билиши сентябрь ойида таҳририятга Дўстлик туманидаги тиббиёт меҳнат экспертиза жарроҳи А. Мелибоевдан ва октябрь ойида Пармон ўғли Хидирдан аризалар келиб тушганидан кейин бошланди. Биринчи аризада шундай сатрлар бор:

«— Мен 1980 йилдан буён вилоят тиббий меҳнат экспертиза ҳайъатида жарроҳ бўлиб ишлаб келар эдим. 1993 йил 13 майда вилоят тиббий меҳнат экспертиза ҳайъатига Н. Турдалиев раис бўлди. У кишининг касби жарроҳ бўлганлиги сабабли менинг бу ерда ишлашим мақсадга мувофиқ бўлмади қолди. Жиззаҳ шаҳар ТМЭХ даги жарроҳлик ўрни бўш бўлганлиги сабабли вилоят ТМЭХ мени шу жойга ишга тавсия этди. Аммо вилоят ижтимоий-таъминот бошқармаси бошлиғи Р. Расулов ишдан бўшаб кетган жарроҳ Т. Г. Абдулаҳатовни ана шу ўринга ишга тайинлаш ҳақида буйруқ берди. Вилоят ижтимоий-таъминот бошқармасининг ушбу буйруғини Ўзбекистон ижтимоий-таъминот вазирлиги 1993 йил 29 июнь куни 84 «Д» буйруқ билан бекор қилди. Вазирликнинг ана шу буйруғи ҳанузгача бажарилгани йўқ. Вилоят ижтимоий-таъминот бошқармасида кадрлар масаласини ҳал қилишда кўпол хатолар юз бермоқда. Мен Жиззаҳ шаҳрида яшасам-да 70 киломер узоқликда бўлган Дўстлик районига қатнаб ишлашга мажбур бўлмоқдаман. Таҳририят аралашиб ушбу масалани ижобий ҳал бўлишига ёрдам берса. Аризагўй Мелибоев».

Ушбу ариза бўйича вилоят ижтимоий-таъминот бошқармасига борганимда бошлиқ чой ичиб телевизор кўрсатувини томоша қилиб ўтарган экан. Аризани кўлига бердим. У овозини баландлатиб: «Ариза нотўғри ёзилган. Мелибоевга шу иш кўп кўринган шекли, бу вазифада ҳам бўшатамиз. Уни аттестациядан ўтказамиз. Мен юристман, вилоят прокурори бўлиб ишлаганман».

Ариза юзасидан ҳужжатларни сўрадим. Кадрлар бўлими бошлиғи «Д» бўйича буйруқларни олиб келди. Кўра бошладим. Бироздан сўнг Расулов тоқатсизлана бошлади, қаёққадир боришини айтди. Рухсат сўраб кадрлар бўлимига ўтдик. Рақамланган ва ип ўтказиб муҳрланган буйруқ дафтари варақлаб айрим жойларини ёзиб олаётган эдимки, Расулов эшикдан кириб келди-да, қўлимдан буйруқлар дафтари тортди олди... «Аризага жавобни ўзим ёзаман, — деди у. — Текшир-тирмайман. Қаёққа борсангиз боваринг. Аввал айтдим-ку юристман деб, вилоят прокурори бўлганман». Сўнгра кадрлар бўлими бошлиғига айтиб ёздирга бошлади. Мен бош қасиб чиқиб кетдим.

Октябрь ойи ўрталарида вилоят ижтимоий-таъминот бошқармаси бошлиғи Раҳим Расуловнинг кўполлиги, ноқонуний ишлари, факрийларга ажратилган автомобилларни тақсимлашдаги, сотишдаги суистезьмоллари, ёлғиз қарияларга хизмат учун берилган автомобиллардан, ногиронларни машина ҳайдашга ўргатиш учун ажратилган «Запорожец»дан бошқа мақсадларда фойдаланаётганлиги, яхши кадрларни ишдан четлатиб, ўринга мутахассис бўлмаган кишиларни ишга олаётганлиги каби нуқсонлар баён этилган Пармон ўғли Хидирнинг аризасини текширишга тўғри келди. Бу хат ана йўлга чорлади. Расулов бу сафар ҳам хонасида телевизор кўриб ўтирган экан. Бу жойга келишимдан олдин вилоят ҳокимлигидан Холмирзаев кўнгириқ қилиб — муҳбир бораётир, устингиздан яна ариза тушибди. Керакли ҳужжатларни кўрсатинг. Йўқса, матбуот ҳақидаги қонуни бузган ҳисобланасиз, деб тайинлаган эди. Расулов мени кўриши билан «жавобни ёзиб юбордим, нега келдингиз?» деди. Мен иккинчи ариза бўйича келганимни, биринчи ариза ҳали қўлимда эканлигини эслатишимга қарамай «Аризани беринг, таҳририятга ўзим жавоб ёзиб жўнатаман» деди. Унамадим ва ҳокимиятга шикоят қилмоқчи бўлиб жўнаётганимда «Аввал аризани ўқиб чиқай» деб тилёғламалик қилди. «Ҳа, Пармон ўғли Хидирникими, у муттаҳам одам. Нотўғри ёзади. Аризасининг бир нусхаси менда ҳам бор». У темир сандикни очиб Пармон ўғли Хидир ёзган бошқа аризани қўлимга тутқазди ва мақтанди: «Ишларимиз юз. Кеча

вазирликдан аттестациядан ўтиб келдим. Бу ҳокимият йўлланмаси...» Нималар ёзилгани менга номаълум варақни ҳаволантириб кўрсатди.

Юқоридаги гап-сўзлар Раҳим Расуловнинг қай даражадаги раҳбар эканлигини ёрқин кўрсатса-да эътиборларингизни Пармон ўғли Хидирнинг аризасига қаратмоқчиман.

— Мен Пармон ўғли Хидир 1993 йил 21—22 январь кунлари Жиззаҳ вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи Раҳим Расулов кузурга 12 нафар фарзандли оила номидан келганлигимни, ўн тўрт жон бир қозондан овқат еб, толган-тутганларимиз етмаётганлигини, болаларга берилётган нафақалар жуда кам эканлигини хатга тушириб ариза билан бердим, — деб ёзади шикоятчи. — Афсуски ўша кунлари бошлиқни иш жойидан топ-па олмадим. 26 январь куни яна ариза кўтариб бердим. Ердэм сўрадим. Расулов аризани кўриб, менга «болаларни кўпайтириб нима қилардингиз, энди қандай боқасиз» — деб дашном берди. — Ердэм йўқ!»

## ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАС ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ИЖТИМОЙ-ТАЪМИНОТ БОШҚАРМАСИДАГИ МОЖАРОЛАР ХУСУСИДА

Хатто гаплашишни ҳам хоҳламай хонасидан чиқариб юборди. Зомин райониди Қоратощ қишлоғидан келган кампирни гаплашмасданок изига қайтарди. Расуловдан дилим сиёҳ бўлиб Жиззаҳ кўчаларидан кетатуриб матбуот дўконига дуч келдим. Вилоят газетасини сотиб олдим. Газета саҳифасида «Отахон нега хуноб» сарлавҳали мақолага кўзим тушди. Уни ўқир эканман, жаноб Расулов мени йиғлатдимми, десам бошқаларни ҳам йиғлатиб юрар экан. Шу сабаб бўлди-ю Расуловнинг фаолиятини ўргана бошладим. У устаси фаранглардан экан. Фаллаорол ва Жиззаҳ автокорхоналаридан икки дон «Газ-24» автомашинасини вилоят ҳудудига яшовчи ёлғиз қарияларга хизмат қилдириш учун олиб, улардан бошқа мақсадларда фойдаланади. Биринчи Зомин районига, иккинчисини Жиззаҳ шаҳридаги «Марказ-Газ»га ноқонуний берган. Ижтимоий-таъминот вазирлиги томонидан ажратилган икки дон автомашинани навбатсиз одамларга тақдим этган. Машинаси бор улў Ватан уруши ногиронларни машина ҳайдашга ўргатиш учун ажратилган «Запорожец»ни ҳамтовови Гулом Ражаббековга хизмат машинаси этиб бериб қўйган. Вазирликдан ажратилган «Жигули» машинаси яқинларидан бирининг номига расмийлаштирилган. Кўриниб турибдики, Расулов қонунонос бўлатуриб ноқонуний ишларни қилишда, шахсий манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмаган.

Кадрлар масаласида кўпол хатоларга йўл қўйилмоқда. Яхши мутахассис бўлган бошқарма муовини Эркин Холбоевни ишдан четлаштириб савдо ходими Ҳамидулла Зокировни унинг ўрнига қўйди. Шофёр Журакул Норматовни ноқонуний ишдан бўшатди. Вилоят прокурорлигининг аралашувидан кейин уни ишга тиклади ва бекор юрган ойлари учун давлат ҳисобидан маош тўлади. Кадрлар масаласида ана шунга ўхшаш чалкашиқлар мавжуд. 1993 йил 9 июндаги «Народное слово» газетаси танқиддан жаноб Расулов ҳулоса қилмади. Мен Жиззаҳ вилоят ҳокимлигига, ижтимоий-таъминот вазирлигига ёздим. Вазирлик Расуловга қаттиқ ҳайфсан берди. Расулов укаси билан чопачоп қилиб керакли идораларга кириб ариза ва шикоятларни бости-бости қилиб юрибди. Яна шунга айтишим мумкинки. Расулов Президентимизнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатида қарши бермоқда. Расуловнинг жинойий ишлари нисбатан чора кўрилишига ёрдамлашчиларингизни сўрайман.

Биринчи аризада тилга олинган Тоҳир Абдулаҳатовни Р. Расулов турли йўллар билан ўз ҳимоясига олиб келаётгани рост. Айтишларича Абдулаҳатов Жиззаҳ шаҳар ва район тиббий меҳнат экспертиза ҳайъа-

ти раиси эди. Абдулаҳатов ва вилоят тиббий меҳнат экспертиза ҳайъати раиси А. Жабборов ўрталарида жанжал чиқарди. Бу масалани Расулов шошма-шошарлик билан муҳокама қилиб, 1993 йил 15 январь кунги 4 «Д» буйруқ билан А. Жабборовни вилоят ТМЭХ раислигидан, Т. Абдулаҳатовни шаҳар ва район ТМЭХ раислигидан, Ж. Норматовни шофёрликдан бўшатади. Бунинг устига 5 январдан 19 январгача меҳнатга қобилиятсизлик варақасида юрган А. Жабборовни розилигисиз 7 «Д» буйруқ билан бошқарманинг ижтимоий хизмат бўлимига биринчи тоифали мутахассис этиб тайинлади. А. Жабборов ва Норматовлар Расуловнинг қонунни бузганлиги ҳақида вилоят прокурорлигига шикоят йўллади. Прокурорлик меҳнат ҳақидаги қонуннинг 41- ва 43-моддалари бузилганлигини аниқлаб, Жабборов ҳамда Норматовларни ўз вазифаларига қайта тиклаш ҳақида бошқарма бошлиғига таклиф киритади. Бошқарма бошлиғи Расулов 1993 йил 1 мартдаги 14 «Д» буйруқ билан Жабборов ва Нор-

матовларни аввалги вазифаларига қайта тиклайди. Норматовга бекор юрган икки ой вақти учун давлат ҳисобидан тоvon тўлайди.

Абдулаҳатов эса 1993 йил 18 январдаги 4 «К» буйруқ билан 48 кунлик меҳнат таътилга чиқарилади. 15 мартдан 2 июнга-ча меҳнатга қобилиятсизлик варақаси асосида пул олади. Сўнгра бошқарма бошлиғининг 34 «К» буйруғи билан вилоят ТМЭХ раисининг розилигисиз Жиззаҳ шаҳар ТМЭХга эксперт хирург этиб тайинланади. Бу масалада вазирлик текшириш ўтказиб, бошқарма бошлиғининг буйруғини 84 «Д» буйруқ билан бекор қилади. Иши юришмаган Абдулаҳатов яна меҳнатга қобилиятсизлик варақасини олишга ўтади. Текшириш жараёнида Жиззаҳ туман шифохонасидан Абдулаҳатовга 20 августдан 20 октябргача берилган (076135 серияли, 53052 рақамли) варақага баъзилар шубҳа билдиришди.

Пармон ўғли Хидир шикоятда айтилган камчиликлар бевосита Расуловга даҳлдор. У автомашиналарни ўз билганича тақсимлаган ва яқинларига ҳада этган. Фаллаоролдаги 50-автокорхонадан туман ижтимоий-таъминот ходимлари ёрдамида олган «ГАЗ-24» автомашинаси шу туман ижтимоий-таъминот бўлимига қолдириш ўрнига (аслида Фаллаорол туман ижтимоий-таъминот бўлимига қайтарилиши керак эди.) Зомин райониди «Гамхурлик маркази»га беради. Бу ерда машина бироз дам олиб тургач, 1992 йил 5 октябрдаги 11-ишонч қозғош орқали Зомин туман ижтимоий-таъминот бўлими ҳисобига ўтказилади. Расулов 30 декабрь куни Зоминга 01—092 рақамли хат жўнатиб, зудлик билан машинани хусусийлаштиришни топширади. Зомин туман ижтимоий-таъминот бўлими ҳисобида мотоцикл ва 24—49 ДДО «Москвич» автомашинаси бўлатуриб, ГАЗ-24 машинасининг қутилмаганда келиши ва хусусийлаштириш тўғрисидаги кўрсатма имжилида бораётган ишни тезлаштиради. Нарх белгилашга киришилади. 1993 йил 16 январда тузилган далолатноманинг кўрсатишича машинанинг бошланғич нархи 17 минг 500 сўм бўлиб 1985 йилда чиққанлигини эътиборга олиб эскириш қиймати 15 минг 750 сўм деб топади. 1750 сўм қолдиқ пулни 19 га кўпайтириб сотиш нарҳини 34 минг 478 сўм деб чиқаришди. 15 январь кунги касабга уюшма йиғилишида тўрт киши қатнашиб машинани район ижтимоий-таъминот бўлими бошлиғи Назаровга берилсин, дейишди. 18 январь кунги жамоа кенгашида ҳам тўрт киши қатнашиб касабга уюшма қарорини маъқуллади. Ана шу тўрт кишидан иккитаси яъни Т. Латипов, Р. Худойбердиевлар ҳар иккала мажлисда бутун жамоа номидан қайта-қайта овоз берган. Жамоада

19 нафар ходим ишласа-ю, машинани расмийлаштириш йиғилишига тўрт киши қатнашса, бу қандай бедодлик?

Ҳужжатлар муҳдорлик идораси орқали расмийлаштирилиб пули банкка тўланибди. «Гамхурлик маркази» ходимлари Алламуродова, Худойбердиева, Тоғаевалар уч йилдан буён пою-пиёда йўл босиб ёлғиз қарияларга хизматда. Улар йўл-йўлакай машина ҳақида «келибди-ю кетибди» деган ашулани ҳиргойи қилиб юрибди.

Жиззаҳ шаҳар автокорхонасидан олинган «ГАЗ-24» автомашинасининг тақдири бундай: бошлиқнинг ҳамшаҳарлари ишлаган «Марказ-ГАЗ»га ижарага берилган. Айтишларича у такси сифатида фойдаланилган. Ҳужжатларга кўра «Гамхурлик маркази»га «Марказ—ГАЗ» 1992 йил 1 июлидан 1993 йил январигача 7000 сўм ижара пули тўлаши керак эди. 1993 йил 24 апрелигача «Марказ-Газ» шартномани бажармади ва «Гамхурлик маркази»га бирон сўм пул ўтказмади. 1991 йил 18 декабрда шахсий машинаси бор ногиронларни ўқитиш учун вазирликдан берилган «Запорожец» машинаси қонунга ҳилоф равишда Расуловнинг 43 «Д» буйруғи билан бошқарманинг ижтимоий хизмат бўлими бошлиғи Ражаббековга хизмат машинаси қилиб бериб қўйилди. 1991 йилнинг декабридан ҳозирга қадар бирон ногирон машина бошқаришга ўқитилмади. Бошқа машиналар тўғрисида Расуловдан маълумот ололмадик.

Кадрлар ҳақида гап юритадиган бўлсак, бошқармада кадрлар ишчанлигига ва мутахассислигига қараб эмас, Расуловга нисбатан шахсий садоқатига қараб танланаяпти. Пенсиялар бўйича ўринбосар Ҳамидулло Зокиров асли савдо ходими. Жиззаҳ вилоят савдо бўлимида етакчи мутахассис эди, 1993 йил январидан бошқарма бошлиғи муовини этиб тайинланди. Расуловнинг энг садоқатли ўринбосарларидан бири Маҳмуд Камолов экан. У медицина институтининг санитария-гигиена факультетини битирган. Шундай касбдаги кишини вилоят тиббиёт меҳнат экспертиза ҳайъати раислиги вазифасига ҳам тайинлади. Камолов ТМЭХга вақтинча раис бўлиб олгач асли қашқадарёлик, ҳозирда Жиззаҳда қамқо жазосини ўтаётган Ғойибназар Умаровга иккинчи гуруҳ ногирони деган нотўғри ҳулоса чиқариб беради. Ф. Умаровни қайта текширилган пайтда II гуруҳ ногирони эмаслиги аниқланди. Умаровга сохта II гуруҳ ногирони бергани учун Маҳмуд Камолов устидан 02231 сонли жинойий иш қўзғатилди. У Ўзбекистон жиноят кодексининг 149-моддаси 1 қисми, 129-модданинг 1 қисми билан айбланмоқда. Жиззаҳ шаҳар прокуратураси тергов ишларини бошлаб юборди.

Камолов ҳақидаги ишда бошқарма бошлиғи Расуловнинг ҳам айби бор. Унинг айби борлиги шундаки, аввало Камолов мутахассис врач эмас, иккинчидан тиббий меҳнат экспертизаси бўйича ўқимagan, қайта тайёргарликдан ўтмаган. Ана шундай кишини шахсий садоқатига қараб лавозимларга тайинлаш қош қўяман деб кўз чиқариш билан баробар эмасми?

Вилоят ижтимоий-таъминот бошқармасидаги ҳангомаларни ёзверсак адоғи йўқдек. Шунинг учун вилоят ҳокими А. Тошкенбоев маърузасида: «вилоят ижтимоий-таъминот бошқармаси (бошлиғи Расулов) ва унинг жойлардаги тизимлари пенсиялар тайинлашда қарияларни ва ногиронларни неча кунлаб овоза қилишмоқда. Ҳатто таъмагирлик ҳоллари ҳам йўқ эмас» деганида тамоман ҳақлидир.

Ташкилий ишлардаги жиддий камчиликларни, пенсия ва нафақа тайинлашдаги ва тўлашдаги, уларни қайта ҳисоблашдаги, факрийлар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишдаги, автотранспорт тақсимлашдаги, ватанпарварлик ёрдамини бўлиб беришдаги кўпол хатолари учун вазирлик 1993 йил 23 июнда Расуловга қаттиқ ҳайфсан эълон қилди. Яна иккинчи марта хатога йўл қўйса эгаллаб турган вазифасидан озод қилиш учун огоҳлантирилди.

Хурматли газетхон! Муҳбирга дўқ қилиш, унга ҳужжатларни кўрсатмасликка интилиш, йўлига ғов бўлиш, камчиликларни ҳаспўшлаш — ойни этак билан ёпишга уриниш эмасми?

Ҳа, жаноб Расулов ўзи бошқараётган даргоҳдаги ноқонуний ишларни ёпишга ёлғиз осмондаги ойни этак билан ёполмай доғда.

Алибой ЭРГАШЕВ,  
«Ишонч» муҳбири.

КЕЙИНГИ йилларда қурилиш майдонларида бахтсиз ҳодисаларнинг кўпайганиги сир эмас. Бунинг боиси, энг аввало бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даври қийинчиликлари, чунончи, ишчиларга шарт-шароит яратиб бериш учун зарур маблағнинг етишмаслиги бўлса, иккинчидан, техника хавфсизлигига оид етарли даражада билим ва тушунчалар берил-

маётганлигидир. Қолаверса, мазкур йўриқномаларнинг асосий қисми рус тилида бўлиб

бошқармаси бош муҳандиси Адҳамжон Мамажонов савобли ишга қўл урди. Узи-

бўйича йўриқномалар» номи билан 272 бетли ва 17 босма табақ ҳажмида махсус рисола

манган вилоят «Ибрат» номли босмаҳонада чоп этилган китобнинг дастлабки 5 минг нусхаси қисқа кун ичидаёқ қурувчилар томонидан сотиб олинди. Энди унга вилоят агросаноат мажмуаси ва Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятларидан катта буюртмалар берилди.

## МУҲАНДИСНИНГ КИТОБИ

уларни ҳамма ҳам тўлиқ ўзлаштира олмади. Бинобарин, вилоятдаги таниқли бинокорлардан бири, Наманган қурилиш трестининг Наманган қурилиш

нинг кўп йиллик тажрибасидан ва техника хавфсизлигига тааллуқли мавбалардан фойдаланиб «Қурувчилар учун техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси

тайёрлади. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят ташилотининг «Таржимон» ноширлик маркази буюртмасига асосан На-

«Ишонч» муҳбири.





## Қатрлар

## ПУФАК

— Анавиларнинг териси жуда қалин-да, қанча пуф-ласаям ишимайди, — деди Пуфак Коптоқларнинг устидан кулиб.

Ўзи эса сал мақтовга берилиб, таранг ишиди ва пақ этиб ёрилди-қўйди.

## ВИЖДОН НИМА ДЕЙДИ?

— Кейинги пайтларда кам кўринадиган бўлиб қолдингми-а? — сўрашди Виждондан.

— Ярамни янгилаб нима қилардиларинг? Бозор шариғига ўтгач нафс билан жигилдон мени йўқ қилиш пайига тушган. Ҳар қалай четроқда эҳтиёт бўлиб юрганам маъқул, — деди уларга жавобан Виждон.

## БАҲС

— Ҳар қандай ишни эплайман, — деди мақтаниб Пул Ақлга.

— Сизни жойига ишлатиш учун ҳам бизга мурожат қилишди, окоси, — деди камтарлик билан Ақл.

Нуриддин ЯХЎЕВ.



Рақс олдидан.



Магазин директори янги ишга қабул қилинган сотувчи-га уқтира бошлади.

— Оёқ-қўлинг чаққон кўрингани учун ичимликлар бўлимига ишга қўймоқчиман. Энди сергак туриб, ғайрат қилиб бир ишлаб берасанда, ука. Кўзларингнинг олазарақ, ўйнаб туришига қараганда, сендан умид қилса бўладиган. Юр, омбор билан ҳам таништириб қўяй... Мана, қара, бу томонга терилган қутилардагиларнинг ҳаммаси ясама, қўлбола ароқ. Бу томонлаглари заводдан келтирилган. Қўлболадан унчалик фарқ қилмасанда, ҳар қалай заводникида. Икковини теппа-тенг қориштириб сотаверасан.

— Кечирасиз, бир шишагина ароқ олувчига қайси биридан берсам бўлади?

— Яхши савол бердинг. Бир шиша олувчига қўлболадан чўзавер. Чунки унақалар ночор. Ароқнинг ҳилини фарқлай билмайди. Шикоятлари ҳам ўтмайди. Билиб қўй, ҳар шиша ароқнинг устамаси эллик сўм, ўнғайи келганда, юз сўмдан кам сўрама! Винопиноларни эса шароитига қараб ўзинг дўндираверасан. Лекин-чи, одамига қарашниям унутма. Уқдингми?

— Уқдим-у лекин ҳалиги олган устамаларимизни нима қиламиз?

— Вой содда бола-ей, нима қилардик, арра қиламиз-да!

— Яхши, шеф, мабода бирон фалокат юз бериб қолгудек бўлса, бериладиган муддатиям арра қиламизми?

— Йў-ғе, униси ўзингга сийлов, акаси!

Нормамат ТОҒА.

— Ундами? Унда мириқиб зўр туш кўрдим.

Афандининг хотини судга бориб, шикоят қилибди:

— Мен эрим билан ажрашаман.

— Нега ажрашасиз?

— Чунки эрим ҳар кунни пашша ўлдирди.

— Бунинг нимаси ёмон?

— Ёмонлиги шундаки, пашша нуқул менинг юзимга қўйиб турган бўлади-да!

Афанди учувчи экан. Бир кун уйига келиб, бақирибди:

— Хотин, эшикни оч, учувчинг кўнлятти!

Хотини унга жавобан дебди:

— Учувчим сабр қилиб турсинлар, аввал манави космонавтни учуриб юборай.

\* \* \*

Афандидан бир кун дўсти сўрабди:

— Афанди, хотинингизни биттаси қучоқлаб турганини кўрсангиз нима қилардингиз?

— Нима қилардим, эртасига уйига жанозага борардим-да!

\* \* \*

Афандининг кўзлари ғилайроқ бўлиб қолибди. Буни кўрган дўстлари майна қилмоқчи бўлиб, ёнига ҳўроз қўйиб, сўрашибди:

— Афанди, ғилайлар биттани иккита кўрармиш-а, шу ростми?

— Бўлмаган гап, — дебди Афанди, — агар ғилайлар биттани иккита кўрганда мен мана бу иккита ҳўрозни тўртта кўрардим.

Ҳайрулло ҲАМИДОВ.

## Афанди



## латифалари

Афанди мажлисга бориб, қайтиб келгач хотини сўрабди:

— Дадаси, мажлис баҳона шаҳар айланиб кўп нарса кўргандирсиз-а?

— Ҳа, дўкон ҳам қолмади, бозор ҳам қолмади, ҳаммасини кўрдим.

— Мажлисда-чи?

## Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси хабар қилади

## СОТУВЧИ ВА ҚОНУН

ГАПНИНГ очиги, беш бармоғини барабар озига тикаётган савдо ходимлари ҳақида ёзаверишдан зерикдик ҳам. Худди шунингдек, тингловчилар буни эшитишдан, газетхонлар ўқишдан зериккан бўлишса ажабмас. Бирок, бўлди, энди уларни каламга олмайман деб аҳд қилган бўлишига қарамай, Давлат божхона қўмитасига вилоятлардан келаётган кундалик маълумотларни варақлашингиз билан, яна ўша савдо ходимлари «лаббай, биз шу ердამиз!» дея чиқиб келаверишади. Ушалардан бири Андижон вилоят Хонобод шаҳар савдо идорасига қарашли 17-дўкон мудир Х. Умаров, У ўш шаҳрлик хайдовчи М. Жумаевга 1 тоннаю 800 килограмм биринчи нав унни «бор барака» деб пуллаб юборибди. Жумаев эса уни Умаров кутанчалик Қирғизистонга ими-жимидо олиб ўтиб кетолмади, 6-божхона пости ходимлари ун орттилган 06-67 ОШЗ номерли машинанинг йўлини тўсиб қолишди. Юк мусодара қилинди, Жумаев ва Умаровлар жарима билан жазоланди. Шу холосми?

Ҳа, хозирча қонунда белгилангани шу холос. Албатта, Ўзбекистонлик сотувчи қирғизистонлик хайдовчига инсонпарварлик ёрдами тариқасида шунча унни давлат нарҳида сотиб

юбормаган. Бу ҳаммага равшан. Бирок, қонун фарзани ёктирмайди: «олган одам «шапка»сига бунча бердим дейиши керак, содда одам «олдим» дейиши керак. Улар эса айтишмайди. Чунки, қонунни прокурордан яхшироқ биладилар.

## БОБУР НОМИГА ИСНОД

ҚАЙТА куриш шарофати билан кейинги йилларда кичик корхонаю тижорат фирмалари жаладан кейинги кўзкориндек болараб ҳаммаёқни босиб кетди. Рост, улар орасида бирон-бир махсулот ишлаб чиқариб давлатимиз иқтисодига тирмак бўлаётган, халқ турмушига мадад бераётганлари ҳам бор, бундан асло кўз юмиб бўлмайди. Айни пайтда, ташкил этилаётганида Ўзбекистонга олтин тоғларни ваъда қилиб, муҳрни кўлига олволганидан кейин эса ваъда қилинган махсулотни ишлаб чиқариб Ўзбекистонни бойитиш ўрнига бунда борини каламушдек четга ташини билан машгул бўлаётганлари ҳам сон-саноксиз. Шундайларнинг навбатдагиси — Жиззах шаҳридаги «Бобур» кичик корхонаси бўлиб чикди.

Жиззахлик божхоначилар тўхтатган 39-88 ДДЛ номерли КАМАЗ автомашинаси Россиянинг Пермь шаҳрига йўл олган экан. Унга «Бобур» кичик корхонасининг муҳандиси Х. Ах-

медов 15 миллион сўмлик махсулот босибди. Булар нималар денг? Беш тоннадан ортик асал, 3483 литр «Кагор» ва «Армугон» винолари, яна, ишбилармонлигу хожатбарорликни қарангки, винони сотиб олувчилар газак излаб сарсон бўлмасин деган ниятда 2 тонна пиёз ҳам кўшибдилар. Офарин!

Биз-ку офарин айтаяпмиз, хай-хай, Бобур Мирзонинг руҳлари буни эшитиб каттик чиркираса ажаб эмас. Ахир, ўзбек миллатининг фахри бўлмиш бу улуг зот номи кўйилган корхона поқдомон инсон хазар қиладиган винолар билан шугулланса, Ўзбекистоннинг миллионлаб сўмлик озик-овқатини, асалини енг ичида гумдон қилиб турса, бу қонунга синадими ё шариатга? Ҳеч қайсисига!

Сўнги сўз: жойлардаги хокимликлардаги кичик корхонаю тижорат фирмаларини рўйхатдан ўтказишга, очиги рўхсат бергучи масъул биродарлар, бундай идораларнинг номлари устидан сал жиддийроқ бош қотиринг, илтимос. Булар-бўлмас корхоналарга буюқ зотларимизнинг номларини қўйиб ташлаверманг, токи улар бу корхоналарнинг нопок қилмишларидан огоҳ бўлиб, тинч ётган гўрларидан тик туришмасин!

## ЖУХАРОВНИНГ ДОЛЛАРЛАРИ

БУГУНГИ олатасир замойда кичик корхонаю кўшма кор-

хоналар бир томон, айрим давлат корхоналари ҳам улардан қолишмайдиган иккинчи томон бўлиб қолди. Қайси маънода дейсизми? Нарх-наво маъносида, кўштирноқдаги ишбилармонлик маъносида. Масалан, битта девормебел бугун 500 минг сўм, Ундям таниш-билиш, ошна-оғайни қилиб топмасанг, очик савдода йўқ. Пешма-пеш чойчақаси билан улгуржи пуллаб турилса, «бартер» деб очикчасига, ҳеч нарса демасдан «ёпиқчасига» чет давлатларга пулланаверса, дўконларда қаёқдан ҳам бўлсин. Илгари пулдор одам савдо ходими ҳисобланса, хозир валютадор кишилар корхона мутасаддилари бўлиб қолишди.

Бу қуруқ сафсата эмас. Аэропортларда чет элга учаётганда кўп микдордаги валюталар билан қўлга тушаётганлар орасида ана шу тоифага мансуб кишилар тез-тез учраб туришибди. Улардан бири — Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг цех бошлиғи Б. Жухаров бўлиб, у Исроилга учмоқчи бўлиб турганида ёнидан 2300 АҚШ долларлари чикди. Холбуки, Ўзбекистон фуқароси учун 200 доллардан ортик олиб кетиш мумкин эмас. Буни Жухаров билмайди дейсизми?

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ

Давлат божхона қўмитаси матбуот марказининг бошлиғи.

## Ишонч

БОШ МУҲАРРИР

ТЎЛҚИН ҚОЗОҚБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акмал АҚРОМОВ  
(бош муҳаррир муовини),  
Абдуманноп АЛИМБОЕВ,  
Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ,  
Турғунбой МАДИЕРОВ,  
Турғун НАЗАРОВ  
(масъул котиб),  
Абдурасул РЎЗМАТОВ,  
Саминжон СУЛТОНОВ  
(вилоят муҳбири),  
Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,  
Шабот ХЎЖАЕВ,  
Санобар ХЎЖАЕВА.



- Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
- Бош муҳаррир муовини 56-52-89
- Масъул котиб 56-52-78

## БЎЛИМЛАР

- Қасаба уюшмалари, социал адолат, иқтисодий ҳаёт — 56-82-79.
- Маданият, маънавият ва хатлар 56-87-78, 56-87-63.
- Мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
- Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43

## ВИЛОЯТЛАРДАГИ

## МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

- Андижонда — 5-32-24;
- Бухорода — 3-50-10
- Гулистонда — 2-10-02;
- Жиззахда — 2-31-41;
- Навоида — 3-52-99;
- Наманганда — 6-22-10;
- Нукусда — 4-19-97;
- Самарқандда — 35-64-22;
- Термизда — 2-70-07;
- Тошкентда — 56-87-95;
- Фарғона — 4-28-29
- Урганч — 6-03-40
- Қаршида — 5-33-71;

● Мухарририятга келган қўл-ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят востачилик қилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



Сотувда эркин нарҳда.

- ШАНБА кунлари чиқади.
- Босишга 26 ноябрда топширилди.

● Навбатчи масъуллар:

Турғун НАЗАРОВ,  
Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ,  
● МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

● 63680 нусхада босилди.

● Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.